Биография

Раъно Сайфуллаева



Филология фанлари доктори, профессор Раъно Рауфовна Сайфуллаева 1949 йил зиёли оилада туғилди. Ўзбек тилшунослигининг икки улуғ дарғаси, отаси – филология фанлари доктори Абдурауф Сайфуллаев, онаси – филология фанлари номзоди, доцент Фароғат Убаева меҳри эътиборида улғайди. 1956-1966 йилларда ўрта мактабда таълим олди. 1972 йил ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини имтиёзли диплом билан битирди. 1970 йилдан “Ўзбек тилшунослиги” кафедрасида лаборант лавозимида иш бошлади. 1983 йилда улуғ олим Айюб Ғуломов раҳбарлигида “Ҳозирги ўзбек тилида содда гаплар синонимияси” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Олима 1992 йилда “Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. У 1994-1995 йилларда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) “Факультетлараро ўзбек тили” кафедрасининг мудири, 1994-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими бошлиғи лавозимида ишлади. 2002 йилдан Ўзбекистон Миллий университети “Ўзбек тилшунослиги” кафедрасининг мудири. Ҳозирги кунда Р.Сайфуллаева ЎзМУ профессори.

Асарлари:

2006

Она тили. 8-синф учун дарслик (ҳаммуаллифликда). Т.
Она тили. 9-синф учун дарслик (ҳаммуаллифликда). Т.
Об интерпретации сложных предложений в тюркских языках (на материале узбекского языка). Международный научный журнал. Саратов, № 1.
Шакл ва вазифа талқинида қўшма гапларнинг мантиқий-риёзий турлари // Филология масалалари., Т., ЎзДЖТУ.

2007

Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг субстанциал (зотий) тадқиқи.Т., “Фан”
Ҳозирги ўзбек тили. Т.
Проблемы однородности в тюркских языках (на материале узбекского языка). Международный научный журнал, № 1.
Умумлаштирувчи бўлак ҳақида // Истиқлол ва тил, Т.

2008

Миллий тилшунослик // “Маърифат”

Copyright © 2022
All Rights Reserved.